Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!

ИНСОН ВА ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

2013 йил 12 февраль • сешанба № 7 (847)

e-mail: insonvaqonun@minjust.gov.uz | www.insonvaqonun.uz | www.insonvaqonun.adliya.uz

2013 йил – "Обод турмуш йили"

Соғлом халқ буюк ишларга қодир

Мамлакатда улкан бунёдкорлик ишларини соғлом инсонлар рўёбга чиқаради

Соғлом она миллат келажаги

ҲАЁТИДА бирон марта бўлса ҳам касал бўлмаган одамни топиш қийин. Касал бўлиб боши ёстиққа теккан инсон соғлиқнинг қадрига етади. Умримиз давомида касал бўлмасликка ҳаракат қиламиз. Бироқ соғлиғимиз ўзимизга бўйсунмай, касаллик кутилмаганда "хужум" қилиб қолади. Ана шундай дамларда дардимизга дармон излаб, шифокор ҳузурига борамиз. Даволаниб чиққач эса, эртасигаёқ ишга отланамиз. Худога шукр, бахтимга шифокорлар бор экан, деймиз. Соғ пайтда тани-сиҳатликнинг қадрига етганга не етсин?

Давлатимиз раҳбари мустақилликнинг илк йиллариданоқ мамлакатимизда инсон саломатлигини давлат сиёсатининг устувор вазифаси қилиб қўйди. Соғлиқни сақлаш соҳасини ривожлантириш учун Президентимиз фармонлари, ҳукумат қарорлари қабул қилинди. Соҳага оид кўплаб қонунлар қабул қилинди. Энг асосийси, қабул қилинган Фармон, Қарор ва қонунларнинг ижроси таъминланмоқда.

Юртимизда оналар ва болалар соғлиғига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Юртбошимиз Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида шундай деди: **"Бизнинг олий мақсадимиз бўлган соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаб вояга етказиш учун жорий йилда 8 миллион 300 минг нафар фарзанд кўриш ёшидаги аёл ҳамда 8 миллион бола тиббий кўрикдан ўтказилди. Шулар қаторида 5 мингга яқин ёлғиз кекса ва ногиронлар малакали текширувдан ўтказилиб, уларга тегишли тиббий ёрдамлар кўрсатилганини айтиш жоиз".**

Мамлакатимизда жаҳон тиббиёти мезонлари талабига жавоб берадиган замонавий техника воситалари ёрдамида малакали ташхис қўйиш, касалликларнинг илк босқич давриданоқ даволаш ишларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айниқса, оила қуриш ёшидагиларнинг соғлигини текширишга ва даволанишига алоҳида эътибор қаратилди. Бу борада Адлия вазирлиги Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан ҳамкорликда муайян ишларни амалга оширди. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 25 августдаги **"Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"**ги қарори бу фикрнинг амалий исботидир. Мазкур қарорга мувофиқ оила қуриш истаги билан ФҲДЁ органига мурожаат этган шахслар йўлланма асосида бепул тиббий кўрикдан ўтказилади. Барчамизга маълумки, тиббий кўрик хулосасига кўра, соғлом шахслар оила қуради ва натижада соғлом фарзандлар дунёга келади.

Президентимиз таъкидлаганидек, **"Соғлом оила вужудга келиши учун, энг аввало, жамият ва давлат қайғуриши, шунга замин яратиб бериши лозим. Шундагина мустаҳкам оила дунёга келади. Оила соғлом бўлса, жамият соғлом, мамлакат қудратли, юрт тинч-осойишта бўлади".**

Халқимизда азалдан соғлом фарзанд туғилишига алоҳида эътибор бериб келинган. Бобомиз Амир Темур таъкидлаганидек: **"Ўғилларим, набиларим ва яқинларимни уйлантирмоқ ташвишида келин изламоққа эътибор бердим. Бу ишни давлат юмушлари билан тенг кўрдим. Келин бўлмишнинг наслнасабини, етти пуштини суриштирдим. Хос одамлар орқали соғлиқ-саломатлигини, жисмонан камолотини аниқладим. Келин бўлмиш насли-насаби, одоб-ахлоқи, соғлом ва бақувватлиги билан барча қусурлардан ҳоли бўлсагина, эл-юртга катта тўй-томоша бериб, келин туширдим".**

— Маълумки, мамлакатимизда аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш тизимини ислоҳ этиш ва модернизация қилиш борасида кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Бунда асосий эътибор миллат генофондини асраш, умр кўриш давомийлиги ва турмуш даражасини ошириш, соғлом авлодни дунёга келтириш ҳамда тарбиялаш учун муносиб шарт-шароит яратишга қаратилаяпти. Шунингдек, соғлом оилани шакллантириш, аҳолининг ирсий касалликларга чалиниш эҳтимолини камайтиришга қаратилган чора-тадбирлар белгиланмоқда, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Назира Матёқубова. — Шуни таъкидлаш лозимки, ана шу ислоҳотларнинг негизида инсон саломатлигини ҳимоя қилиш бўйича қонунчилик базасини мустаҳкамлашга жиддий эътибор қаратилмоқда.

2

Қонун моҳияти

Нафақат талабларни белгилайди

балки нисбатни ҳам аниқлайди

ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ томонидан 2012 йил 1 ноябрда қабул қилинган, Сенат томонидан 2012 йил 5 декабрда маъқулланган ҳамда 2012 йил 25 декабрь куни матбуотда эълон қилиниб, кучга кирган Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги **"Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида"**ги Қонуни муҳим ҳуқуқий ҳужжат саналади. Мазкур Қонун муқаддам амалда бўлган **"Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида"**ги Қонундан фарқли ўлароқ, нафақат норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тушунчаси, турлари ва уларга қўйиладиган асосий талабларни белгилайди, балки норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ўзаро нисбатини аниқлаб бериш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш тартибига қўйиладиган асосий талабларни белгилаш, шунингдек, уларнинг ижроси ташкил этилишини таъминлаш каби муҳим вазифаларни бажаришга хизмат қилади.

Мазкур Қонун билан қонуности ҳужжатлари турлари янада аниқлаштирилди. Унга кўра, Президент фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг буйруқлари ҳамда қарорлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари қонуности ҳужжатлар эканлиги белгиланди.

Маълумки, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга нисбатан ҳуқуқий ворислик қонун ижодкорлиги жараёнидаги муҳим масалалардан ҳисобланади. Айниқса, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг амал қилиши, уни ўзгартириш, қўшимчалар киритиш, унинг амал қилишини тўхтатиб туриш ва тугатиш тартиб-таомилларининг қонун ҳужжатлари билан тартибга солиниши қонун ижодкорлиги жараёнининг самарадорлигини оширишга, ушбу жараёнда қонунийликни таъминлашга хизмат қилади.

2

"Келажак овози" ахборот хонаси

Бугунги ёшлар эртанги кун эгаларидир

БУГУН ёшларнинг сиёсий-ҳуқуқий ва ижтимоий фаоллигини шакллантириш жараёнида фақат давлат ташкилотларининг фаолияти етарли бўлмайди. Яъни, мазкур масъулиятли вазифани амалга оширишда "учинчи сектор" саналмиш жамоат ташкилотлари ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳам фаолияти муҳим саналади. Жумладан, ёшлар муаммолари билан шуғулланувчи жамоат ташкилотлари ҳамда фуқаролик жамияти институтлари қаторида "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси "Келажак овози" ёшлар ташаббуслари марказининг ибратли фаолияти алоҳида эътиборга лойиқдир.

Ёшларнинг сиёсий-ҳуқуқий ва ижтимоий фаоллигини ошириш ҳамда кенг қамровли ислоҳотларнинг муносиб ворисларини тайёрлаш мақсади бу борада янги лойиҳаларни амалга оширишга замин бўлмоқда. Жумладан, 2012 йил давомида ҳар бир вилоят олий таълим муассасаларида "Келажак овози" ахборот хоналарининг очилиши режалаштирилиб, Тошкент шаҳридаги ўқув даргоҳларида ташкил этиш бошлангани фикримизнинг далилидир. Жорий йилнинг февраль ойида пойтахтимиздаги 25 та етакчи олий таълим муассасаларида "Келажак овози" ахборот хоналари ўз фаолиятини бошлайди. Фонд Форум, "Келажак овози" ёшлар ташаббуслари маркази ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан мазкур лойиҳа 2012 йилда бошланган бўлиб, бугунги кунда барча вилоят ва Қорақалпоғистон Республикасидаги олий таълим муассасаларида ўз фаолиятини олиб бормоқда. Жумладан, куни кеча Тошкент давлат юридик институтида "Келажак овози" ахборот хонасининг очилиш маросимига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

Мазкур тадбирда "Келажак овози" ёшлар ташаббуслари маркази лойиҳаларининг тақдимоти ҳамда "Дилемма" дискуссион клуби фаоллари томонидан намунавий ўйин ташкил этилди.

"Келажак овози" ахборот хоналарининг очилиши — Фонд Форум ва "Келажак овози" ёшлар ташаббуслари марказининг расмий веб-сайтларида ёритиб бориладиган воқеалардан мунтазам хабардор бўлиш учун имкониятдир.

Мазкур лойиҳа Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан ҳамкорликда ташкил этилиб, у ёшлар ўртасида Интернетнинг ижобий аҳамиятини ривожлантириш, тармоқнинг ўзбек сегментининг юксалиш даражасини жадаллаштириш имкониятларини ёшларга тақдим этишни назарда тутади.

Умуман олганда, бугунги ёшлар эртанги куннинг фаол фуқаролари сифатида шаклланишига имконият яратишни даврнинг ўзи тақозо этмоқда.

Адлия вазирлиги Ҳуқуқий тарғибот ва ҳуқуқий таълим бошқармаси

Томчида турмуш тарзи

Навоийнинг бебаҳо мероси

ДАРҲАҚИҚАТ, ўзбек миллати, умуман олганда, барча туркий халқлар адабий мероси равнақида туркий тилнинг ижтимоий ҳаётда шаклланиши, қолаверса, давлат ҳокимияти ва бошқарувининг адолат негизида қарор топишида ўзининг улкан меҳнати билан салмоқли ҳисса қўшган буюк сиймо, адолатпарвар давлат арбоби – бобомиз ҳазрат Алишер Навоийнинг хизматлари беқиёс.

Хабарингиз бор жорий йилнинг 9 февралида Навоийнинг таваллуд топганига 572 йил тўлди. Мамлакатимизда бу сана ҳар йили алоҳида кўтаринкилик ва ғурур билан кенг нишонланади.

Шу муносабат билан, Адлия вазирлигида ўтказилган ўқув-машғулотнинг галдагиси Алишер Навоийнинг маънавий меросимизга қўшган улкан ҳиссасига бағишланди.

Тадбирда Ўзбекистон Миллий университетининг кафедра мудири, филология фанлари доктори, профессор Ҳамидулла Болтабоев иштирок этди.

Юртимизнинг гўзал манзаралари

КАМОЛИДДИН БЕҲЗОД номидаги Бухоро санъат музейида "Обод турмуш йили"га бағишланган тасвирий санъат асарлари кўргазмаси очилди. Ўзбекистон Бадиий академияси ва Бадиий кўргазмалар дирекцияси томонидан ташкил этилган мазкур кўргазмада турли авлодларга мансуб мўйқалам соҳибларининг инсон ва унинг ички дунёси ҳамда юртимизнинг бетакрор манзаралари ифодаланган асарлари намойиш этилмоқда.

Ҳар 3 кишидан бири...

ЎЗБЕКИСТОНДА интернетдан фойдаланувчилар (мобиль интернетни қўшиб ҳисоблаганда) сони 2013 йил 1 январь ҳолатига кўра, 9,815 миллионга етди.

2012 йил бошида юртимизда интернетдан фойдаланувчилар 8,827 миллонни ташкил қилган. Демак, бир йил давомида ўсиш қарийб 1 миллионга етган. Шу кунларда Ўзбекистон аҳолиси 30 миллионга етиши кутилмоқда. Бу эса юртимизда ҳар 3 кишидан бири интернетдан фойдаланишини англатади, дея хабар қилади darakchi.uz.

Инсониятнинг беқиёс мулки

АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ тизимидаги Тошкент давлат юридик институтида ҳам шарқ мумтоз адабиётининг буюк алломаси, йирик давлат арбоби, улуғ ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоий таваллудининг 572 йиллигига бағишлаб, "Мутафаккир ижодида обод ва фаровон турмуш ғояси" мавзуида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

АНЖУМАНДА ёш ҳуқуқшуносларнинг маънавиятини бойитишда буюк мутафаккирларимиз ўгитларининг аҳамияти, комил инсон ғоясини талабалар онгига сингдириш, Навоийнинг сиёсий-ҳуқуқий қарашлари, унинг ижодидаги фаровон турмуш ғоялари талқини юзасидан маърузалар тингланди.

Сўзга чиққанлар таъкидлаганларидек, ўзбек халқининг буюк мутафаккири Алишер Навоийнинг илмий-фалсафий мероси ва ижодиёти, ҳуқуқий маърифат ҳақидаги ғоятда сермазмун ҳамда кўпқиррали таълимоти эндиликда бутун тараққийпарвар инсониятнинг бойлиги бўлиб қолди. Унинг ўлмас асарларида ўзининг чуқур илмий ифодасини топган халқ ва Ватан, инсон ва унинг бахт-саодати, тинчлиги ҳамда осойишталиги ҳақидаги қимматли ғоялари умуминсониятни доимо эзгуликка даъват этмоқда. Алишер Навоий таълимоти фақат миллий аҳамиятга эга бўлибгина қолмасдан, умумбашарий қимматга ҳам эгадир. Шу жиҳатдан Навоий умуминсониятга хос бўлган даҳолардан бири саналади.

Тадбирда шунингдек, XV ва XVI асрларда Навоий таржимаи ҳолини ёритишга, асарларини қўлёзма ҳолида кўчириш ва кўпайтиришга кўпроқ аҳамият берилганлиги, кейинги даврларда эса шоир асарлари учун махсус луғатлар тузиш анъана тусига кирганлиги, Адлия вазирлиги тизимидаги Тошкент давлат юридик институтида ҳам мутафаккирнинг ҳуқуқий меросини илмий жиҳатдан ўрганиш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида атрофлича сўз юритилди.

Адлия вазирлиги Ахборот хизмати

Адлия вазирлигида

Идораларо кенгаш

навбатдаги йиғилишини ўтказди

АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИДА ўтказилган ҳуқуқий тарғибот ва маърифат бўйича давлат органлари ишларини мувофиқлаштириш Идораларо кенгашининг навбатдаги йиғилишида 2012 йилда амалга оширилган ишлар муҳокама этилди ҳамда 2013 йилда бажарилиши лозим бўлган вазифалар белгилаб олинди.

Адлия вазири — Кенгаш раиси Н.Йўлдошев бошқарган ушбу йиғилишда даставвал 2012 йилда Кенгаш томонидан амалга оширилган ишлар атрофлича таҳлил этилди. Таъкидланганидек, фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, уларни қонунга ҳурмат руҳида тарбиялаш борасида ўтган йилда муайян ишлар амалга оширилди.

Хусусан, давлат органлари ва жамоат бирлашмалари томонидан жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга қаратилган 267 мингдан ортиқ ҳуқуқий тарғибот тадбирлари ўтказилиб, уларда 7 миллионга яқин фуқаро иштирок этди. Тадбирларнинг 209 мингга яқини жойларда, 44 мингдан ортиғи эса оммавий ахборот воситалари орқали ташкил этилди. Босма нашрлар орқали ҳуқуқий тарғибот масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилиб, 14 мингдан ортиқ дарслик, ўқув-услубий қўлланма ва бошқа материаллар чоп этилиб, тарқатилди. Ҳуқуқий тарғибот ишларини ташкил этишда оммавий ахборот воситалари имкониятларидан кенг фойдаланилди.

2

"INSON va QONUN"
ҳуқуқий газетасига обуна бўлинг!
Обуна индекси – 137. website: minjust.uz
e-mail: insonvaqonun@minjust.gov.uz Тел/факс: 233-84-50

"HUQUQ va BURCH"
ижтимоий ҳуқуқий журналига обуна бўлинг!
Обуна индекси – 902. website: huquqburch.uz
e-mail: info@huquqburch.uz Тел/факс: 233-21-93

"Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами"
ҳафталик расмий нашрига обуна бўлинг!
Обуна индекси – 949. website: adolatnashr.uz
e-mail: adolatnashr@minjust.gov.uz Тел/факс: 233-67-65



"Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномалари тўплами"
расмий нашрига обуна бўлинг!
Обуна индекси – 949. website: adolatnashr.uz
e-mail: adolatnashr@minjust.gov.uz Тел/факс: 233-67-65

LexUz — Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, фойдаланувчиларга интернет орқали норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан фойдаланиш имкониятини яратади.
LexUz online
e-mail: cpi-info@minjust.gov.uz website: www.lex.uz Тел: 236-73-98, 236-17-33

Соғлом халқ буюк ишларга қодир

Мамлакатда улкан бунёдкорлик ишларини соғлом инсонлар рўёбга чиқаради

(Давоми. Боши биринчи бетда)

Бугунги кунда **"Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида"**ги, **"Давлат санитария назорати тўғрисида"**ги, **"Одамнинг иммунитет танқислиги вируси билан касалланишининг** (ОИВ касаллигининг) **олдини олиш тўғрисида"**ги, **"Аҳолини сил касаллигидан муҳофаза қилиш тўғрисида"**ги, **"Йод етишмаслиги касалликлари профилактикаси тўғрисида"**ги ва бошқа қонунлар соҳа ривожига ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Юрак операцияси нозик операция. Аммо...

Дунё тиббиётида юрак-қон томир касалликларининг олдини олиш борасида кўплаб ишлар қилинмоқда. Қилинган саъй-ҳаракатларга қарамай, ана шу касалликлар билан дунёда ҳар куни минглаб одамлар ҳаётдан бевақт кўз юммоқда. Бу касалликларнинг олдини олиш ва уни даволаш бўйича мамлакатимизда ҳам муайян ишлар амалга оширилмоқда. Энг замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган Республика ихтисослаштирилган жарроҳлик марказининг кардиожарроҳлик мажмуаси бугунги кунда дунёнинг етакчи клиникаларидан қолишмайди. Ушбу даволаш масканини барпо этиш учун ҳукуматимиз 21,5 миллиард сўм ва қарийб 23 миллион АҚШ долларидан ортиқ маблағ ажратди. Бугунги кунда ушбу йирик шифохона минглаб инсонларнинг ҳаётини асраб, умрларига умр қўшмоқда.

Марказ раҳбарининг таъкидлашича, айни пайтда, ушбу марказда ўткир миокард инфаркти, буйрак томирларининг шикастланиши, қорин бўшлиғи, қўл-оёқ томир тизими каби касалликлар бўйича мураккаб операцияларни амалга ошириш услуби пухта ўзлаштирилди ҳамда микрохирургия ва кардиожарроҳлик хизматини янада ривожлантиришга эришилди. Шу билан бирга операциялар юрак очилган ҳолда ҳам, у ишлаб турган пайтда ҳам, сунъий қон айлантириш аппарати уланмасдан туриб ҳам амалга оширилмоқда.

Марказ минтақамизда жигар церрози ва унинг асоратларини жарроҳлик йўли билан даволайдиган ягона клиникадир. Шунингдек, марказда ижтимоий химояга муҳтож фуқаролар учун даволаниш жараёнида моддий жиҳатдан бир қанча енгилликлар жорий этилган.

Маълумки, Президентимиз ташаббуси билан ишлаб чиқилган **"Соғлом она — соғлом бола"** дастури бугун умуммиллий ҳаракатга айланди. Бир қатор нуфузли халқаро институтларнинг баҳолашича, Ўзбекистон дунёнинг 125 давлати орасида хотин-қизлар учун қулай шароитлар яратиш ва оналикни муҳофаза қилиш борасида етакчи ўринлардан бирини эгаллаб турибди. Нуфузли халқаро ташкилот — "Save the children" ("Болаларни асрайлик") томонидан тузилган жаҳон рейтингида Ўзбекистон вояга етаётган ёш авлод саломатлиги ҳақида энг кўп ғамхўрлик кўрсатаётган давлатлар ўнталигига киритилгани, албатта, барчамизга ғурур бахш этади. Бу ютуқлар ҳақида яқинда бўлиб ўтган Ўзбекистон хотин-қизларининг республика конференциясида яна бир бор таъкидлаб ўтилди.

Эътибор ва эътироф

Бу борадаги ишларни давом эттириш мақсадида Президентимизнинг 2009 йил 13 апрелдаги **"Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"**ги ва 2009 йил 1 июлдаги **"2009 — 2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида"**ги қарорлари ижроси доирасида Хотин-қизлар қўмитасида тузилган Жамоатчилик кенгаши жамоат ташкилотларининг аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш бўйича фаолиятини мувофиқлаштирмоқда. ФҲДЁ ходимлари, таълим муассасалари, корхона ва ташкилотлар, маҳаллаларда мунтазам равишда "Соғлом она — соғлом бола" тамойилини амалга оширишнинг асл моҳиятини аҳоли онгига сингдириш юзасидан тушунтириш ишлари олиб борилаётир. Хусусан, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан пойтахтимиз ва вилоятларимизда замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозланган диагностика, скрининг ва перинатал марказлари, янги туғуруқ мажмуалари барпо этилаётгани, биргина **"Она ва бола скрининги"** Давлат дастури доирасида вилоятлар марказларида скрининг марказлари ташкил этилгани, барча минтақавий марказлар бюджет маблағлари ҳисобидан замонавий диагностика ва лаборатория ускуналари, зарур материаллар билан таъминлангани ҳам эътиборга лойиқ. Бу саъй-ҳаракатлар кўплаб ирсий касалликларнинг олдини олиш ва даволашни юқори даражага кўтариш, болаларнинг ирсий хасталиклар билан ва нуқсонли туғилишининг хавфини камайтириш имконини бермоқда.

Ютуқларда тиббиёт ходимларининг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Уларнинг меҳнатини қадрлаган Юртбошимиз шундай дейди: **"...Соҳада фидокорона меҳнат қилаётган тиббиёт ходимларининг машаққатли ва масъулиятли меҳнатини моддий ва маънавий рағбатлантириш масалалари биз учун доимий вазифа бўлиб қолади".**



— Мен ўз дардимга даво излаб Алмати, Минск, ва Россиянинг бир қанча шифохоналарида даволандим, — дейди республика Давлат солиқ қўмитасининг пойтахтимиздаги спорт мажмуаси даволаш комплексида муолажа олаётган **қозоғистонлик Айгул Тагирбергенова.** — Бироқ, наф кўрмадим. Тошкентга келиб даволанишни бошладим. Касаллик чекинди. Сабаби, тошкентлик шифокорлар замонавий тиббий техникалар ёрдамида аниқ ташхис қўяркан. Президентингизга раҳмат. Сизларда даволаш ишлари аҳолининг барча қатламини тўлиқ қамраб олган экан. Бундай имкониятлар МДҲга аъзо мамлакатларнинг барчасида ҳам тўкис яратилмаган.

Хитойлик мутахассис тан берди

Дунёнинг етакчи давлатлари мамлакатимиз билан барча соҳалар қатори соғлиқни сақлаш борасида ҳам ҳамкорлик қилиб келмоқда. Жумладан, 2012 йилнинг апрель ойида "Ўзэкспомарказ"да **"Соғлиқни сақлаш — TIHE 2012"** халқаро тиббиёт кўргазмаси бўлиб ўтди. 17-халқаро соғлиқни сақлаш, 7-Марказий Осиё фармацевтика саноати, "Ўзбекистон стоматологияси" кўргазмаларини ўз ичига олган мазкур тадбир Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Савдо-саноат палатаси, "Ўзфармсаноат" давлат акциядорлик концерни, "ITE Uzbekistan" халқаро кўргазма компанияси ҳамкорлигида ташкил этилди.

Кўргазмада йигирма икки мамлакатдан бир юз ўттиздан зиёд компания ўз маҳсулотлари ва хизматлари билан иштирок этди. Жумладан, Австралия, Беларусь, Буюк Британия, Венгрия, Германия, Ҳиндистон, Хитой, Молдова, Нидерландия, Покистон, Россия, Туркия, Жанубий Корея, Қозоғистондан келган ишлаб чиқарувчилар замонавий тиббий технология, дори-дармон ва бошқа тиббий анжомларини кенг намойиш этди.

— Мазкур кўргазмада илк марта иштирок этяпмиз, — дейди журналистларга берган интервьюсида **"Double Engine Medical" компанияси бош менежери Луо Жионг (Хитой).** — Компаниямизда ортопедия, педиатрия ва жарроҳликда кенг фойдаланиладиган махсус асбоблар ва ускуналар ишлаб чиқарилади. Ўзбекистон мустақилликка эришгач, қисқа даврда барча соҳаларда, жумладан, тиббиётда ҳам улкан ютуқларни қўлга киритди. Мамлакатингизда тиббиёт соҳасида олиб борилаётган туб ислоҳотлар аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, тиббий хизмат тизимини тўлиқ модернизациялаш, аҳолига шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш учун юксак талабларга жавоб берадиган шифохоналар барпо этиш, тиббий хизмат сифатини ошириш ва қўламини кенгайтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Собиқ Иттифоқ даврида Ўзбекистонда 2 та фармацевтика корхонаси фаолият кўрсатган бўлса, ҳозир юртимизда 128 дан ортиқ фармацевтика ташкилотлари ва қўшма корхоналар ўз маҳсулотлари билан нафақат ўзимизга, балки хорижга ҳам хизмат кўрсатмоқда. Мустақиллик йилларида соғлиқни сақлаш соҳасига сарфланган харажатлар 3,6 бараварга ўсган. Бунинг натижасида юртимизда бир ёшгача бўлган гўдаклар ва оналар ўлими 3 баробарга камайди, одамларнинг ўртача умр кўриш даражаси 7 йилга узайиб, эркаклар ўртасида 73 ёшга, аёллар ўртасида эса 75 ёшга етган. Бу ютуқларнинг замирида Президентимизнинг ва ҳукуматимизнинг соғлиқни сақлаш соҳасига қаратаётган эътибор ва ғамхўрлигини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Сўнгги сўз ўрнида

Соғлиқни сақлаш вазирлигининг сўнгги маълумотларига қараганда, тизимни янада яхшилаш мақсадида жорий йилда давлат бюджетидан **3,4 триллион сўм** маблағ ажратилиши режалаштирилмоқда. **Яна бир сўнгги янгилик 2013 йилда "Саломатлик-3"** лойиҳаси доирасида юртимизнинг барча туман ва 15 та шаҳар марказий шифохонаси, 38 та шаҳар кўп тармоқли ва 115 та оилавий поликлиникага энг замонавий рентген аппарти, рақамли ультратовуш сканери, биохимик анализатор, кўп функцияли бемор монитори каби жами 186 миллион АҚШ доллари миқдоридаги 96 турдаги энг замонавий тиббий асбоб-ускуналарни етказиб бериш бошланди.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш соҳасидаги ютуқларни дунё эътироф этмоқда. Президентимиз таъкидлаганидек: **"...Репродуктив саломатликни таъминлаш бўйича ўзбек модели БМТ томонидан Шарқий Европа, Болтиқбўйи ва Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари учун энг яхши минтақавий дастур сифатида тавсия этилди".**

Зайниддин МАМАДАЛИЕВ,
"Инсон ва қонун" муҳбири

Идораларо кенгаш

навбатдаги йиғилишини ўтказди

(Давоми. Боши биринчи бетда)

Шу билан бирга, Идораларо кенгашнинг 2012 йил 2-ярмига мўлжалланган иш режаси ижроси таъминланди.

Айниқса, юридик таълимни янада такомиллаштириш ва ҳуқуқшунослик фанини ривожлантириш, замонавий талабларга жавоб берадиган кадрлар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш, қонун ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти самарадорлигини ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Бу борада Адлия вазирлигига киритилган таклифлар, шунингдек, Олий ва ўрта махсус таълим ҳамда Халқ таълими вазирликлари тизимида ҳамкорликда ўрганилган ҳуқуқий таълим ва тарбия ишларининг таҳлилий натижалари умумлаштирилиб, юридик таълимни такомиллаштириш ва ҳуқуқий фанларни янада ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори лойиҳаси тайёрланди ҳамда манфаатдор вазирлик ва идораларга келишиш учун тақдим этилди.

Бинобарин, иш режа ижросини таъминлаш мақсадида жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш ишларини янада такомиллаштириш, аҳоли ўртасида ҳуқуқий билимлар тарғиботини кучайтириш мақсадида "Давлат органлари ва жамоат бирлашмалари томонидан конференция, семинар, давра суҳбатларини ташкил этиш ҳамда ўтказиш бўйича Услубий қўлланма" тайёрланди.

Бундан ташқари, давлат ва жамият қурилишини демократлаштириш борасидаги замон талаблари ва жараёнларни ҳисобга олган ҳолда талабаларнинг назарий ҳамда амалий фанлар билан узвий боғлиқликдаги билимларини мустаҳкамлаш мақсадида "Давлат ва жамият қурилишини демократлаштириш шароитида ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш соҳасини такомиллаштириш Концепцияси" ишлаб чиқилди.

Шунингдек, иш режада белгиланган вазифаларни бажариш мақсадида ҳуқуқий тарғибот тадбирларини юксак савияда ташкил этиш ва уларнинг амалий аҳамиятини оширишга катта масъулият билан ёндашилди. Чунончи, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 20 йиллиги муносабати билан 2012 йил 4 декабрь куни Тошкент давлат юридик институтида ўтказилган "Давлат ҳокимияти ва бошқарувини модернизациялаш жараёнида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг роли" мавзуидаги илмий-амалий конференция фикримизнинг ёркин далилидир. Шу билан биргаликда, халқимизнинг, айниқса, ёшларнинг Конституцияга оид билимларини янада ошириш мақсадида 2012 йилнинг ноябрь-декабрь ойлари мобайнида "Конституция — ҳуқуқ ва эркинликлар кафолати" мавзуида ҳуқуқий саводхонлик ойлиги эълон қилинди. Бунда жойларда Конституциянинг мазмун-моҳиятини тушунтиришга қаратилган жами 3639 маротаба ҳуқуқий тарғибот тадбирлари ўтказилди. Шундан, телевидениеда 185 маротаба кўрсатув ва радио орқали 187 маротаба эшиттириш ташкил этилиб, газета ва журналларда мавзуга оид жами 182 та мақола чоп этилди.

Муҳокама учун сўзга чиққан иштирокчилар Кенгаш фаолиятини янада жонлантириш, бу борада ўзаро ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга доир фикр-мулоҳазаларини баён этдилар.

Айтиш жоизки, мажлисда Идораларо кенгаш доирасида амалга оширилган ижобий ишлар билан бир қаторда, ҳал этилиши лозим бўлган масалалар ҳам муҳокама қилиниб, уларнинг ечимига доир вазифалар белгилаб олинди.

Шундан сўнг Кенгашнинг 2013 йилга мўлжалланган иш режаси лойиҳаси кўриб чиқилди. Унга кўра, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 20 йиллиги муносабати билан ўтказилган тантанали йиғилишда Президентимизнинг **"Инсон манфаати, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ҳаётимизнинг янада эркин ва обод бўлишига эришиш — бизнинг бош мақсадимиздир"** маърузасида илгари сурилган ғоялар ва белгиланган устувор вазифалар аҳамиятини, шунингдек, "Обод турмуш йили" Давлат дастурининг туб моҳиятини кенг оммага, айниқса, ёшларга тушунтириш бўйича тарғибот материалларини тайёрлаш ва жойларга юбориш;

— "Аҳоли (ёшлар ва аёллар)нинг сиёсий ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришнинг долзарб масалалари" мавзуида республика миқёсида ҳуқуқий тарғибот тадбирларини ташкил қилиш, тадбирларда ижтимоий сўров ўтказиш ва унинг натижаларини умумлаштириш ҳамда аҳолининг ҳуқуқий маданиятини янада юксалтиришга қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

— ўқувчи-талаба ёшларнинг ҳуқуқий билим даражасини янада юксалтириш мақсадида ўқув дастурлари, режалари, ҳуқуқий мавзудаги дарслик ва адабиётларни инвентаризациядан ўтказиб, натижалари бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

— оммавий ахборот воситаларида ҳуқуқий мавзуларда 2013 йилнинг 1-ярмида уюштирилган телерадиодастурлар ҳамда эълон қилинган материалларни умумлаштириш;

— давлат органларининг 2013 йил 1-ярмида ҳуқуқий тарғибот ва маърифат соҳасида амалга оширган ишларини ўрганиш ва натижалари бўйича тавсиялар юбориш;

— давлат органлари, жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқий тарғибот ва маърифат соҳасидаги ишларини таҳлил қилиш ва умумлаштириш мақсадида ягона ҳисобот шаклини ишлаб чиқиш ва жорий қилиш сингари долғзарб вазифалар белгиланган. Иштирокчилар Иш режа лойиҳасини қизғин муҳокама этиб, уни янада такомиллаштиришга доир таклиф ва тавсиялар билдирдилар.

Баҳс-мунозараларга бой тарзда ўтган йиғилиш сўнгида "Давлат органлари ва жамоат бирлашмалари томонидан конференция, семинар, давра суҳбатларини ўтказиш бўйича Услубий қўлланма", "Давлат ва жамият қурилишини демократлаштириш шароитида ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш соҳасини такомиллаштириш Концепцияси" ҳамда Ҳуқуқий тарғибот ва маърифат бўйича давлат органлари ишларини мувофиқлаштириш бўйича Идораларо кенгашнинг 2013 йил учун иш режаси тасдиқланди.

Кенгаш аъзолари фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, уларни қонунга ҳурмат руҳида тарбиялаш борасидаги кенг қамровли фаолиятни изчил йўлга қўйишда ўзаро ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга келишиб олдилар.

Бахтинур ҲАСАНОВ,
Адлия вазирлиги масъул ходими

Нафақат талабларни белгилайди

балки нисбатни ҳам аниқлайди

(Давоми. Боши биринчи бетда)

Шу мақсадда янги таҳрирдаги Қонунда вазирликлар, давлат қўмиталари ёки идоралар томонидан қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга нисбатан ҳуқуқий ворислик деб номланувчи алоҳида модда киритилди. Унга кўра, вазирлик, давлат қўмитаси ёки норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиш ҳуқуқи берилган идора қайта ташкил этилган тақдирда, ҳуқуқий ворисга ўз ваколати доирасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиш ҳуқуқи билан бирга илгари қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартиш, қўшимчалар киритиш, уларнинг амал қилишини тўхтатиб туриш ва тугатиш ваколатлари ҳам ўтади. Шунингдек, агар вазирлик, давлат қўмитаси ёки идора тугатилган ёхуд у тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш ҳуқуқини ҳуқуқий ворисига бермасдан қайта ташкил этилган тақдирда, илгари қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартиш, қўшимчалар киритиш, уларнинг амал қилишини тўхтатиб туриш ва тугатиш ваколатлари юқори турувчи ёки бошқа ваколатли органга ўтиши ҳам назарда тутилди.

Қонуннинг яна бир муҳим жиҳатларидан бири — унда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш масаласига алоҳида боб ажратилганлигидадир. Мазкур бобда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлашни режалаштириш, лойиҳани тайёрлаш тартиби, лойиҳани тайёрлашни ташкил этиш, уни тайёрлашда қонун ҳужжатларининг ҳолатини, қўлланилиш амалиётини, жамоатчилик фикрини ва халқаро тажрибани ўрганиш, лойиҳа экспертизаси, ҳуқуқий экспертизаси, норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилувчи органга киритиш масалалари ўз ифодасини топган.

Шу ўринда хорижий давлатларнинг қонунчилик тажрибасига назар ташлайдиган бўлсак, ўрганилган аксарият давлатларнинг "Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида"ги Қонунида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳаларини режалаштиришни назарда тутувчи нормалар мавжудлигини кўриш мумкин. Хусусан, "Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида"ги Беларусь Республикаси Қонунининг "Қонун ижодкорлиги фаолиятини режалаштириш" деб номланган 10-бобида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлашни режалаштириш, лойиҳаларни тайёрлаш режаларини ишлаб чиқиш тартиби, лойиҳаларни тайёрлаш режалари ва давлат дастурларининг амалга оширилиши юзасидан назорат қилиш масалалари ўз ифодасини топган. Шунингдек, Озарбайжон Республикаси Қонунида ҳам "Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлашни режалаштириш" деб номланган алоҳида боб мавжуд бўлиб, унда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тасдиқлаш учун тайёрлаш режалари, лойиҳаларни тайёрлаш бўйича таклифларни инобатга олиш, лойиҳаларни тайёрлашнинг келажакдаги режаларига оид қоидалар баён этилган.

Бироқ республикамизнинг янги таҳрирдаги **"Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида"**ги Қонунида юқоридаги хорижий давлатларнинг қонунчилик тажрибасидан фарқли ўлароқ, норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилувчи органга киритиш жараёнида муҳим талаблар белгиланганлигини алоҳида қайд этиш жоиз. Масалан, мазкур Қонуннинг 23-моддасига кўра, тайёрланган норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилувчи органга тушунтириш хати билан киритилиши, ишлаб чиқувчи қонун лойиҳасини киритаётганда халқаро ҳужжатларнинг ва чет эл мамлакатлари қонун ҳужжатларининг, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларининг тегишли қоидаларини, тегишли халқаро тажрибани Ўзбекистон Республикаси шароитида қўллаш мақбуллиги тўғрисидаги асосли таклифларни кетма-кетлик тартибида кўрсатган ҳолда таҳлил қиёсий жадвалларни тайёрлаши шартлиги каби муҳим талаблар назарда тутилиб, бу каби талаблар норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг янада асосланган бўлишини, унинг сифат даражаси янада ошишини таъминлашга хизмат қилади. Мазкур Қонуннинг 23-моддасида халқаро ҳужжатлар ва чет эл мамлакатлари қонун ҳужжатларининг принциплари, қоидалари ҳамда таърифларининг тайёрланган батафсил таҳлилини ўз ичига олган қиёсий жадвалсиз киритилган қонун лойиҳаси кўриб чиқилмаслиги каби норманинг белгиланиши эса қонун ташаббуси ҳуқуқи субъектлари зиммасига қонун лойиҳаларининг сифат даражасини ошириш борасида муҳим масъулиятни юклайди. Бинобарин, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлашда халқаро тажрибани ўрганиш масалалари алоҳида эътибор берилиши талаб этиладиган масалалардан ҳисобланади. Шу ўринда **"Қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисида"**ги Қонуннинг 15-моддасида ҳам қонунлар лойиҳаларини тайёрлашда халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган принциплари ва нормалари ҳисобга олиниши, шунингдек, қонун билан тартибга солиш борасида бошқа давлатлар тажрибаси ўрганилиши назарда тутилган.

Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги **"Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида"**ги Қонунида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини ташкил этиш ва таъминлаш масаласига махсус боб ажратилганлиги алоҳида эътиборга молик ҳисобланади. Мазкур Қонунда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини ташкил этувчи ва таъминловчи органлар, Вазирлар Маҳкамасининг, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари ижросини ташкил этиш ва таъминлаш борасидаги ваколатлари, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросининг мониторинги ва назоратига бағишланган нормалар ўз ифодасини топди.

Дарҳақиқат, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ижрочи ва аҳолига етказиш, унинг ижро этилиши ва амалга оширилиши бўйича назорат ва текширувни ҳамда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижро этилмаслиги (лозим даражада ижро этилмаслиги) бўйича жавобгарликни назарда тутувчи нормаларни киритиш мамлакатда қонун устуворлигини таъминлаш, аҳолининг ҳуқуқий онги ва саводхонлигини янада оширишда муҳим аҳамият касб этади. Зеро, қонун — бу ҳуқуқий демократик давлатнинг пойдевори бўлиб, унда демократия ва ҳуқуқий давлат тамойиллари ўзаро уйғунлашади.

Музаффаржон МАМАСИДДИКОВ,
Адлия вазирлиги қошидаги Юристлар малакасини ошириш маркази Фуқаролик-ҳуқуқий фанлар кафедраси мудири, юридик фанлар доктори

Таълим ва тараққиёт

Маънавият – юксалиш манбаи

малакали етук кадрлар тайёрлашнинг муҳим мезони

ТОШКЕНТ давлат юридик институти малакали юрист мутахассисларни тайёрлашда соҳа билан бир қаторда инсоний фазилатларни шакллантиришни ҳам устувор вазифа деб билади. Адолатли, инсоф-диёнатли, одил, билимдон, юксак хулқ-атворли ҳамда маънавияти юқори инсон яхши юрист бўлолади.

ТАЛАБА ёшларнинг камолоти айнан уларнинг дарсдан кейинги бўш вақтларини самарали ташкил этиш ёки мунтазам тарзда маънавий муҳит яратиш орқали таъминланади. Шу нуқтаи назардан, талабаларнинг маънавиятини шакллантиришни назарда тутувчи тарбиявий тадбирлар давлатимиз сиёсати, миллий ғоя талаблари ҳамда дунёда содир бўлаётган воқеа ва ҳодисалар билан уйғун тарзда амалга оширилаётгани, шаклланаётган шахснинг муҳим фазилатлари ва хислатларини юксалтиришнинг педагогик талабларга асосланиши, шунингдек, талабалар маънавиятини шакллантиришнинг ўқув-тарбиявий жараёнлар билан узвий алоқадорликда олиб борилаётгани ижобий натижалар бермоқда.

Жорий ўқув йили бошида ташкил қилинган маданият ва санъат ходимлари билан ижодий учрашувлар, "Мустақилликнинг мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги ўрни ва беқиёс аҳамияти" мавзуидаги маънавий-маърифий тадбирлардан кўзланган мақсад талабаларнинг маънавиятини юксалтиришга қаратилди. Айниқса, ўтган йилнинг декабрь ойида "Ёшлик" талабалар шаҳарчасида олий таълим муассасалари талабалари ўртасида "Дўстлар дунёси" кўрик-танловининг финал босқичида институтимиз талабаларининг фахрли биринчи ўринни эгаллагани ҳам талабалар маънавиятини шакллантириш борасидаги ишлар самарасидир. Ахборот ресурс марказидаги бадиий адабиётларни кўпайтириш, турли номдаги газета ва журналларни ўқиб бориш, маданий-маърифий муассасалар билан доимий ҳамкорлик талабаларнинг миллий ўзлигини англаш ва интеллектуал салоҳиятини оширишга хизмат қилади.

ТДЮИда олиб борилаётган маънавий тарбиявий ишларнинг аниқ вазифаларни чуқур англашга йўналтирилганлиги, самарадорликни оширишнинг зарур шартидир. Зеро, талаба ёшларда экологик билим ва маданиятни шакллантириш ҳам бундан мустасно эмас. Ҳозирги пайтда экологик муаммо дунёвий аҳамият касб этиши шубҳасиз. Шу нуқтаи назардан, бу борада курс мураббийлари, маънавий-ахлоқий ишлар бўйича декан ўринбосарлари, маънавият бўлими ва "Экология ва қишлоқ хўжалиги" кафедраси тегишли мутахассислар иштирокида турли тадбирлар, давра суҳбатлари, учрашувлар ҳамда кўрик-танловлар ўтказиб боришмоқда.

Соғлом авлод концептуал ғояси маънавий тарбиявий ишларда ҳам муҳим аҳамият касб этади. Чунки, бугунги глобаллашув жараёнида ёшларнинг соғлигини объект сифатида танловчи айрим реал хавфлар мавжудлигини унутмаслик керак. Булар сирасига гиёҳвандлик, ичкиликбозлик, фоҳишабозлик ва ОИТС кабиларни киритиш мумкин. Талаба ёшларимизнинг онгига тегишли самарали услублар воситасида ижобий таъсир этиш орқали уларни бу иллатлардан асраб-авайлаш мумкин.

Бу борада институт талаба ёшлари орасида реал аҳамиятга молик ишлар амалга оширилмоқда.

Ҳар бир талабанинг онгида ўзликни англаш, тарихимиз ва бой маданиятимиз, улуғ аждодларимизнинг меросини чуқурроқ ўзлаштириш, бугунги тез ўзгараётган ҳаёт воқелигига онгли қараб, мустақил фикрлашни ва мамлакатимиздаги барча ўзгаришларга дахлдорлик туйғусини шакллантириш лозим.

Талаба ёшлар дунёқарашида миллий-маънавий қадриятларга таяниш, унинг талқини ва жамиятимизда иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва маданий ислоҳотларни амалга оширишда ғоявий курашчанликнинг аҳамияти юқоридир. Биз талабалар онгида мафкуравий иммунитетни шакллантиришга, ёшларимизга сезиларли салбий таъсир кўрсатаётган "оммавий маданият"дан муҳофазалашга ҳам айнан маънавият орқали эришамиз.

Мамлакатимизда ёш авлодни миллий истиқлол ғояси руҳида тарбиялаш, уларнинг қалби ва онгида ватанпарварлик туйғуларини шакллантиришда, албатта, мусиқанинг алоҳида ўрни бор.

Талаба ёшларимизни қўшиқчилик санъатида ўзининг мустаҳкам ўрнини топган, эл назарига тушган санъаткорларимиз ижоди билан яқиндан таништириш, шунингдек, ўзбек миллий чолғулари ранг-баранглиги ҳақида маълумот бериш максадида, Ўзбекистон халқ ҳофизи Ўлмас Саиджонов, Ўзбекистон халқ артисти, Муножот Йўлчиева, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист Зариф Азизов, Хожи Абдулазиз Абдурасулов, Гулсара Ғоипова каби бир қатор эл назарига тушган санъаткорлар билан кўпгина учрашувлар ўтказиб келинмоқда.

Маънавий-тарбиявий ишлар турли-туман бўлиши керак. Айниқса, миллий байрам ва тарихий саналарни нишонлашда янгича мазмун ва таъсирчан услубларни топишга эришиш лозим. Сабаби, ҳар бир ўтказилаётган тадбир талаба ёшларга маълум маънода таъсир қилиши бор гап. Талабалар бундай маънавий тадбирлардан тегишли эстетик завқ олишдан ташқари таълим жараёни учун ҳам муайян маълумот олади.

Восит ЭРГАШЕВ,
ТДЮИ Маънавий-маърифий ишлар бўйича проректори, юридик фанлар номзоди, доцент

Савол-жавоб

Ота-она ва фарзандлар олдидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлар

— КУНДАЛИК ҳаётимизда фарзанд тарбияси, оилада ота-она ва фарзанд ўртасидаги муносабат хусусида кўп эшитамиз. Аслида ота-она ва фарзандлар олдидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлар нималардан иборат? Шу ҳақда маълумот берсангиз.

Ё. РИСҚИЕВ,
Чуст тумани

— Ота-она ва фарзандларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари Бош қомусимизнинг 64, 65 ва 66-моддалари ҳамда Оила кодексида ўз аксини топган. Конституциямизнинг юқоридаги моддаларида ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга, ўз навбатида, вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ҳам ўз ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилишга мажбур эканликлари, давлат ва жамият етим болаларни ва ота-оналар васийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқиш, тарбиялаш ва ўқитишни таъминлаши, болаларга бағишланган хайрия фаолиятлари рағбатлантирилиши, фарзандлар ота-оналарнинг насл-насабидан ва фуқаролик ҳолатидан қатъи назар, қонун олдида тенгликлари, оналик ва болаликнинг давлат томонидан муҳофаза қилиниши қатъий белгилаб қўйилган.

Оила кодексининг 11 ва 14-бобларидаги 65 ва 116-моддаларида фарзандлар ва ота-оналарнинг ҳуқуқ ҳамда мажбуриятлари тўлиқ ифодаланган. Масалан, боланинг оилада яшаш ва тарбияланиш ҳуқуқи, ота-онаси ва бошқа қариндошлари билан кўришиш ҳуқуқи, ҳимояга бўлган ҳуқуқи, ўз фикрини ифода этиш, исм, ота исми ва фамилия олиш, уни ўзгартириш ҳуқуқи, вояга етган меҳнатга лаёқатсиз болаларнинг таъминот талаб қилиш ва мулкий ҳуқуқлари, ота-онанинг эса ота-оналик ҳуқуқи, ота-оналик ҳуқуқини чеклаш, ундан маҳрум қилиш, ота-оналик ҳуқуқини тиклаш, ота-онанинг вояга етмаган болаларига таъминот бериш мажбурияти, таъминот беришда ота-она мажбуриятларининг тенглиги, вояга етмаган болаларига алимент тўлаш тартиби, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга таъминот бериш, болалар муассасаларига жойлаштирилган болалар учун алимент ундириш, вояга етган, меҳнатга лаёқатли болаларнинг ота-онасига таъминот бериш мажбуриятлари шулар жумласидандир.

Саволга Чуст тумани ФҲДЁ бўлими мудири Нодира ЖАЛОЛОВА жавоб берди.

Тадбир

Ёшлар фаоллиги

ҳушёрлик ва сергаклик демак

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ адлия бошқармаси томонидан Термиз шаҳридаги Ахборот технологиялари касб-ҳунар коллежида ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш ва улар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этишга бағишланган тадбир ташкил этилди.

ЁШЛАР ФАОЛЛИГИДА ўтказилган бевосита мулоқотда одам савдоси жинояти ва унга қарши кураш борасида амалга оширилаётган ишлар, ёшлар ўртасида содир этилаётган турли ҳуқуқбузарликларнинг ижтимоий-ахлоқий хавфи ҳақида сўз юритилди.

Таъкидланганидек, миллионлаб инсонларни ўз домига тортган бу қабиҳ жиноятга қарши бугунги кунда дунёнинг кўплаб мамлакатларида қатъий кураш олиб борилмоқда. Бироқ глобаллашув ва давлатларнинг ўзаро интеграциялашуви тобора жадаллашиб бораётгани туфайли бу жиноятга буткул барҳам берилгани йўқ.

Сўзга чиққанлар жиноятчиликнинг ушбу турига қарши курашда ёшлар фаоллиги ҳамда жамоат ташкилотларининг ўзаро ҳамкорлигини мустаҳкамлаш муҳим аҳамиятга эга эканлигини қайд этдилар.

Адлия вазирлиги Ахборот хизмати

Чимёнда яна бир қулайлик

МАЪЛУМКИ, 2011 йилнинг 30 декабрида Вазирлар Маҳкамасининг "Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органлари фаолиятини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига мувофиқ мамалакатимизнинг туман марказидан олис ҳудудларида янги ФҲДЁ бўлимлари ташкил этилди. Шулардан бири Фарғона тумани 2-сон ФҲДЁ бўлими "Сой бўйи" ҚФЙ биносида 2012 йилнинг 1 ноябридан ўз фаолиятини бошлади.

УШБУ ФҲДЁ бўлими мудири Одинахон Усмонованинг айтишича, мазкур бўлим туманнинг "Чимён", "Сойбўйи", "Миндон", "Гулшан", "Хонқиз", "Қўрғонтепа", "Оқбилол" қишлоқ фуқаролар йиғинлари ҳамда "Чимён" шаҳарча фуқаролар йиғинларида яшовчи қарийб 91 минг нафар аҳолига хизмат кўрсатади.

— Илгари фуқаролик ҳолатига тааллуқли бирор гувоҳнома олиш учун туманимиз маркази Водилга борардик. Янги ФҲДЁ бўлими фаолият бошлагач, бундай оворагарчилик барҳам топди. Яратилган қулайлик учун ҳукуматимизга, Адлия вазирлиги тизимининг мутасаддиларига миннатдорчилик билдирамиз, — дейди "Сой бўйи" ҚФЙ раиси Миродил Марасулов.

Мамнуният билан таъкидлаш лозимки, бўлимимиз вилоят адлия бошқармаси томонидан барча зарур анжомлар билан жиҳозланди.

(Ўз мухбиримиз)

Суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотлар

тизим ривожига хизмат қилмоқда

ҲУҚУҚИЙ давлатни шакллантириш ва модернизация қилиш бўйича мамлакатимизда амалга оширилаётган узоқ муддатли ва изчил ислоҳотлар дастурининг энг муҳим устувор йўналишларидан бири бу суд-ҳуқуқ тизимини босқичма-босқич демократлаштириш ва эркинлаштиришдир. Зеро, инсон манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш, қонун устуворлигини таъминлаш ҳуқуқий демократик давлатнинг муҳим шарти саналиб, истиқлол йилларида шу мақсад йўлида кўплаб ислоҳотлар амалга оширилди. Асосий эътибор суд тизимининг ҳуқуқий асосларини шакллантириш ва изчил либераллаштириш, судлар мустақиллиги ҳамда масъулиятини кучайтиришга қаратилди. Ўтган давр мобайнида ушбу соҳада кенг кўламли ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар ўтказилиб, эришган муваффақиятларимиз жаҳон ҳамжамияти томонидан ҳам кенг эътироф этилмоқда.

Шу билан биргаликда, мамлакатимизда МДҲ давлатлари орасида жиноий жавобгарликка тортилаётганлар сони энг паст даражадалиги, иқтисодиёт соҳасидаги ишларда айбдор шахс етказилган зарарни тўлиқ қоплаган тақдирда, унга нисбатан қамоқ билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинланишининг белгиланиши жаҳоннинг етакчи эксперт ва мутахассисларнинг юксак эътирофларига сазовор бўлмоқда.

Суд-ҳуқуқ тизимини босқичма-босқич мустаҳкамлашнинг галдаги вазифалари, қўлга киритган муваффақиятларимизни янада мустаҳкамлаш, соҳадаги муаммолар ва ечимлар борасида Юртбошимиз 2010 йил 12 ноябрь Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисида **"Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси"** номли маърузасида алоҳида тўхталиб ўтди. Айни вақтга келиб мамлакатимизда Концепцияда белгиланган устувор вазифаларнинг ижроси юзасидан бир қатор қонунлар қабул қилинди ва амалиётга кенг татбиқ этилмоқда. Жумладан, **"Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"**ги Қонуни, Президентимизнинг **"Суд тизими ходимларини ижтимоий муҳофаза қилишни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги Фармони фикримизга исбот бўлади.

Мазкур Фармонда судьялик лавозимларига биринчи марта тайинланган (сайланган) шахсларнинг тегишли равишда Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юристлар малакасини ошириш марказида, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий хўжалик судида мажбурий тайёргарлик ҳамда стажировка ўташларининг назарда тутилиши одил судловни амалга оширишда муҳим аҳамиятга эгадир.

Хулоса ўрнида шуни айтиш керакки, мамлакатимизда фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, суд-ҳуқуқ тизимини мустаҳкамлаш ва ислоҳ этишда амалга оширилаётган ислоҳотлар демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш жараёнида қонунийликни мустаҳкамлашга, Конституция ва унинг асосида қабул қилинган қонунлар ва қонуности ҳужжатларининг ўз вақтида ижро этилишини таъминлашга, тинчлик-осойишталикнинг ўрнатилишига, барқарор ўсиш сурьатларини амалга оширишга хизмат қилади.

Зафар АМИРОВ,
ТДЮИ ўқитувчиси

Самарқанд вилояти адлия бошқармасининг 2013 йил 26 январдаги 20-ум-сонли буйруғига асосан Самарқанд шаҳридаги "SAMARQAND QONUNCHILARI" адвокатлар ҳайъатининг адвокати Хидиров Зафар Узоқовичга вилоят адлия бошқармаси томонидан 2012 йил 5 ноябрда берилган ва Самарқанд шаҳридаги "HUQUQ TARAFDORI" адвокатлик фирмасининг адвокати Халимов Олимжон Каримовичга вилоят адлия бошқармаси томонидан 2009 йил 12 августда берилган адвокатлик мақоми уч ойдан ошмайдиган муддатда мавжуд адвокатлик тузилмаларидан бирига киргунига қадар бўлган даврга тўхтатилди.

Хўжалик суди амалиётидан

Лицензиясиз фаолият кўрсатиш

жарима қўллашга сабаб бўлади

ФАОЛИЯТ ТУРЛАРИ билан лицензиясиз ва бошқа рухсат берувчи ҳужжатларсиз шуғулланиш — фаолиятни амалга ошириш даврида олинган соф фойда миқдорида, бироқ энг кам иш ҳақининг эллик бараваридан кам бўлмаган миқдорда жарима солишга сабаб бўлади

Ишнинг мазмуни

Туман давлат солиқ инспекцияси томонидан хусусий корхонада бюджетга солиқлар ва мажбурий тўловларнинг тўғри ҳисобланиши ҳамда Президентимизнинг фармонларига, Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига риоя қилиниши юзасидан ҳужжатли текшириш ўтказилган ва унинг натижалари бўйича белгиланган тартибда далолатнома тузилган.

Текширишда хусусий корхона ходимлари фуқароларни автотранспорт воситаларини бошқариш бўйича ўқитиш фаолияти билан лицензиясиз ва бошқа рухсат берувчи ҳужжатларсиз шуғулланаётганлари аниқланган.

Аниқланган ҳуқуқбузарлик юзасидан жиноят ишлари бўйича туман судининг 2012 йил 28 мартдаги қарорига асосан хусусий корхона раҳбари ва бош ҳисобчиси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексинг 165-моддаси билан маъмурий жавобгарликка тортилган.

Юридик шахсларга эса Солиқ кодексининг 117-моддасида фаолият турлари билан лицензиясиз ва бошқа рухсат берувчи ҳужжатларсиз шуғулланиш — фаолиятнинг ушбу турларини лицензиясиз ва бошқа рухсат берувчи ҳужжатларсиз амалга ошириш даврида олинган соф фойда миқдорида, бироқ энг кам иш ҳақининг эллик бараваридан кам бўлмаган миқдорда жарима солишга сабаб бўлиши назарда тутилган.

Туман давлат солиқ инспекцияси томонидан текшириш ҳужжатларини кўриб чиқиш натижалари бўйича хусусий корхонага нисбатан молиявий жарима қўллаш тўғрисида қарор қабул қилинган.

Хусусий корхона томонидан ҳисобланган молиявий жарима суммаси ихтиёрий равишда тўлаб берилмаганлиги сабабли аризачи — туман давлат солиқ инспекцияси жавобгар — хусусий корхонага нисбатан Солиқ кодексининг 117-моддасига асосан 3146000 сўм миқдорида молиявий санкция қўллашни сўраб, хўжалик судига ариза билан мурожаат қилган.

Аризачининг важлари

Туман давлат солиқ инспекцияси томонидан бюджетга солиқлар ва мажбурий тўловларнинг тўғри ҳисобланиши ҳамда Президентимизнинг фармонларига, Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига риоя қилиниши юзасидан ўтказилган ҳужжатли текширишда хусусий корхонада фуқароларни автотранспорт воситаларини бошқариш бўйича ўқитиш фаолияти билан лицензия ёки бошқа рухсат берувчи ҳужжатлар олмасдан шуғулланиб келинаётганлиги аниқланган.

Текширишда аниқланган ҳуқуқбузарлик учун хусусий корхона раҳбари ва бош ҳисобчиси жиноят ишлари бўйича туман судининг қарорига асосан маъмурий жавобгарликка тортилган.

Содир этилган ҳуқуқбузарлик учун хусусий корхонага Солиқ кодексининг 117-моддасига асосан 3146000 сўм миқдорида молиявий санкция қўллаш лозим.

Жавобгарнинг фикри

Туман давлат солиқ инспекциясининг важлари ва талабини тан олиб, эътироз йўқлиги, суд томонидан қўлланиладиган жарима суммаси бўлиб-бўлиб тўлаб берилиши билдирилган.

Суднинг ҳал қилув қарори

Биринчи инстанция суди текширишда аниқланган ҳуқуқбузарлик ҳолатлари тарафлар вакилларининг кўрсатмалари, текшириш далолатномаси ва текшириш ҳужжатлари билан ўз тасдиғини топган деб ҳисоблаб, туман давлат солиқ инспекциясининг аризасидаги талабни қаноатлантирган ва хусусий корхонага нисбатан Солиқ кодексининг 117-моддасига мувофиқ 3146000 сўм миқдорида молиявий санкция қўллаган.

Суднинг ҳал қилув қарорига шарҳ

Хўжалик суди томонидан кўрилган мазкур ишда қуйидаги ҳолатларга эътибор қаратиш муҳимдир:

Олий Мажлиснинг 2001 йил 12 майдаги 222-II-сон қарори билан "Амалга оширилиши учун лицензиялар талаб қилинадиган фаолият турларининг рўйхати" тасдиқланган бўлиб, ушбу рўйхатга хусусий корхона томонидан шуғулланиб келинган фаолият тури, яъни нодавлат таълим муассасаларининг фаолияти ҳам киритилган.

"Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида"ги Қонуннинг 7-моддаси, биринчи қисмига мувофиқ ушбу фаолият тури билан шуғулланилиши фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига, соғлиғига, жамоат хавфсизлигига зарар етказиши мумкин бўлган ҳамда тартиб солиб турилиши лицензиядан ташқари усуллар билан амалга оширилиши мумкин бўлмаган фаолият турига киритилган. Шунинг учун санаб ўтилган мазкур масалалар Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг доимий диққат-эътиборида бўлиб келмоқда.

Хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 1 мартдаги 100-сонли қарори билан тасдиқланган **"Нодавлат таълим муассасалари фаолиятини лицензиялаш тўғрисида"**ги Низомда фуқароларни автотранспорт воситаларини бошқариш бўйича ўқитиш фаолияти тури билан шуғулланиш учун нодавлат таълим муассасалари томонидан лицензия олиш тартиби белгилаб қўйилган.

Автототранспорт воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш билан боғлиқ масалалар Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 2 августдаги 156-сонли қарори билан тасдиқланган **"Ўзбекистон Республикасида автомототранспорт воситалари ва шаҳар электр транспорти воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш билан шуғулланувчи таълим муассасаларини ҳисобга олиш, имтиҳонларга рухсат бериш ва уларни ўтказиш, ҳайдовчилик гувоҳномасини бериш тартиби тўғрисида"**ги ва **"Автомототранспорт воситалари ва шаҳар электр транспорти воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тартиби тўғрисида"**ги низомлар билан тартибга солинади.

Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 31 декабрдаги **"Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикасида автомототранспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқини бериш, ҳайдовчиларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тартибини такомиллаштириш чоралари тўғрисида"ги 2006 йил 2 августдаги 156-сонли қарорига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"**ги қарорининг 2-бандига мувофиқ 2011 йилнинг 1 январидан бошлаб автомототранспорт воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш давлат таълим муассасалари, шунингдек, Мудофаага кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти, "Тошшаҳартрансхизмат" уюшмаси, "Transkasb" уюшмаси ва Ўзбекистон Республикаси Автомотоҳаваскорлар кўнгилли жамияти томонидан амалга оширилиши, автомототранспорт воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бўйича фаолиятни амалга ошираётган нодавлат таълим муассасалари ва бошқа ташкилотлар 2011 йил 1 апрелгача тўпланган гуруҳларда ўқитишни тугаллаб, фаолиятнинг ушбу турини тўхтатишлари лозимлиги белгилаб қўйилган.

Аммо, шунга қарамасдан хусусий корхона автомототранспорт воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш фаолият турини тўхтатмасдан, лицензиясиз (рухсатномасиз) фуқароларни автотранспорт воситаларини бошқаришга ўқитиш билан шуғулланиб келган. Ушбу ҳаракатлар эса фаолият тури билан лицензиясиз ва бошқа рухсат берувчи ҳужжатларсиз шуғулланиш — фаолиятнинг ушбу турларини лицензиясиз ва бошқа рухсат берувчи ҳужжатларсиз амалга ошириш даврида олинган соф фойда миқдорида, бироқ энг кам иш ҳақининг эллик бараваридан кам бўлмаган миқдорда жарима солишга сабаб бўлиши назарда тутилган.

Ушбу ҳолат тўғрисида Олий хўжалик судининг 2010 йил 18 июндаги "Хўжалик судлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси умумий қисмини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида"ги 210-сонли қарорининг 39-бандида ҳам тушунтириш берилган.

Жиноят ишлари бўйича туман судининг қарори билан хусусий корхона раҳбари ва бош ҳисобчисининг маъмурий жавобгарликка тортилганлиги ёки уларнинг маъмурий жарима суммасини тўлаганлиги юридик шахсни жавобгарликдан озод қилиш учун асос бўлмайди.

Шундай экан, хўжалик юритувчи субъектлар лицензияланадиган фаолият турлари билан тегишли лицензия (рухсатнома) олингандан кейингина шуғулланиш мумкинлигига эътибор беришлари лозим. Лицензияланадиган фаолият турлари билан тегишли лицензия ёки рухсатнома олмасдан шуғулланиш ҳуқуқбузарлик, деб ҳисобланади ва молиявий жарима жазоси қўлланилишига олиб келади.

Миллатга эҳтиром туйғуси

АЁЛНИ гулга қиёсласак арзийди. Чунки гулнинг оламда тенги бўлмаганидек, аёлнинг ҳам дунёда қиёси йўқ. Меҳрибон рафиқа, яхши ходима, муаллима, ҳамшира, идрокли юрист, сўзи ўткир журналист, тадбиркор энг муҳими у — ОНА. Она ҳар инсоннинг қалб гавҳари, нури дийдаси. Ҳаётда энг яқин суянч, сирдош, елкадош ҳам — Она.

Мамлакатимизда аёлларга алоҳида эътибор ва эҳтиром кўрсатилиши ҳам бежиз эмас. Юртбошимиз, конституциямиз қабул қилинганлигининг 20 йиллигига бағишлаб ўтказилган анжуманда таъкидлаганидек, **"Ҳаётимизни янада соғлом ва обод қилиш, аввало, аёл зотининг жамиятимиздаги ўрни ва нуфузини, ижтимоий фаоллигини янада ошириш, хотин-қизларнинг турли жабҳа ва йўналишларда қилаётган ишларини муносиб баҳолаш, ҳар қайси хонадонда уй бекаси бўлмиш опа-сингилларимизнинг оғирини енгил қилиш асосида турмушимизни фаровон этиш билан узвий ва чамбарчас боғлиқдир"**. Бугун қай бир соҳани олмайлик, аёллар самарали фаолият юритаётганлигининг гувоҳи бўламиз.

Бугунги кунда аёлнинг жамиятдаги ўрни ортиб бормоқда. Жумладан, биз нотариал идоралари ходимлари ҳам аёлларнинг ҳуқуқий билимларини юксалтириш, уларга ҳуқуқий маслаҳатлар бериш борасида кўплаб тадбирларни амалга ошириб келмоқдамиз.

Масалан, турмуш қуриш ёшидаги қизларни оилавий ҳаётнинг ширин ташвишлари-ю қувончлари ҳақидаги тушунчаларини шакллантириш, эрта турмуш қуришнинг салбий оқибатлари ҳақидаги тасаввурларини ҳосил қилиш бўйича ҳамкорликда тадбирлар ўтказилмоқда. Илгари бундай тадбирларга аёлларни мажбурлаб чақирган бўлсак, эндиликда уларнинг ўзлари қизиқиб, фаол иштирок этмоқдалар. Бу ҳолат эса, жамиятда ҳуқуқий маданиятнинг ўсаётганидан далолат беради. Хулоса қилиб айтганда, хотин-қизларимизнинг ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш борасида амалга ошираётган ишларимиз ўз самарасини кўрсатмоқда.

Наргиза ЭГАМБЕРДИЕВА,
Тошкент шаҳар адлия бошқармаси масъул ходими

Реклама ўрнида

Аёл тадбиркор бўлса...

ЯҚИНДА Жиззах вилоятининг Фориш, Янгиобод туманлари ҳамда Сирдарё вилоятининг Сардоба, Ховос туманларига қарашли бир қатор олис қишлоқ фуқаро йиғинларида аҳоли иштирокида "Агар аёл тадбиркор бўлса..." лойиҳаси доирасида семинарлар ўтказилди.

MIKROKREDITBANK

МАЗКУР тадбирлар давлатимиз раҳбари томонидан мамлакатимизда 2013 йил "Обод турмуш йили" деб эълон қилиниши муносабати билан "Микрокредитбанк" очиқ акциядорлик-тижорат банки, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди ҳамкорлигида тузилган қўшма қарорга мувофиқ ташкил этилди.

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга ихтисослашган энг йирик микромолиявий ташкилотлардан бири — "Микрокредитбанк" очиқ акциядорлик-тижорат банки ўз фаолиятининг илк кунлариданоқ юртимиз аёллари, айниқса, олис туман ва қишлоқлардаги хотин-қизларни соҳага кенг жалб қилиш ҳамда уларнинг бу борадаги билим ва малакаларини оширишга алоҳида эътибор қаратиб келмоқда.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси ва 2006 йил 5 майдаги **"Микрокредитбанк" акциядорлик тижорат банкини ташкил этиш тўғрисида"**ги Фармони асосида фаолиятини бошлаган мазкур молия муассасаси қисқа давр мобайнида ўзининг ниҳоятда кам фоизли микросармоялари билан аёл тадбиркорларимизнинг тўла ишончини қозонди ва уларнинг яқин ҳамкорига айланди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 10 ноябрдаги **"Микрокредитбанк" акциядорлик тижорат банкининг тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш борасидаги фаолиятини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги Фармонининг қабул қилиниши соҳа ривожи учун янада катта имтиёз ва қулайликлар яратди.

"Микрокредитбанк" томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига бошланғич сармояларни шакллантириш учун берилаётган микрокредитнинг йиллик фоизи 3 фоизни, бизнесни ривожлантириш ва айланма маблағларини тўлдириш учун ажратиладиган микрокредитлар йиллик 6 фоизни ҳамда корхоналарни замонавий техника билан жиҳозлаш учун кўрсатилаётган микролизинг хизматлари фоиз ставкаси йиллик 5 фоизни ташкил этмоқда. Бу эса, айниқса, тадбиркор аёлларимиз учун ўз ишлаб чиқариш фаолиятларини йўлга қўйишларида янада қулайлик яратиб бермоқда.

Маълумот ўрнида айтиш жоизки, банк томонидан ўтган "Мустаҳкам оила йили"да хотин-қизлар тадбиркорлигини ривожлантириш мақсадлари учун 6691 нафар тадбиркор аёлга 42 миллиард 986 миллион сўм миқдорида кредит ажратилди. Асосийси, бунинг эвазига 18 минг 660 дан зиёд аёл доимий иш ўрнига эга бўлди. Агар ушбу рақамларни биргина банкнинг Жиззах вилояти филиали фаолияти мисолида таҳлил қиладиган бўлсак, ажратилган микросармоялар ҳажми 2 миллиард 834 миллион сўмни, яратилган ишчи ўринлари эса 1602 тани ташкил этди.

Бу галги ўтказилган тадбирдан кўзланган асосий мақсад ҳам аҳоли фаровонлигини ошириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш, пировардида, бандлик масаласини ҳал қилишга қаратилган. Бу борада белгиланган режа асосида жорий йилнинг 1-чораги давомида Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларнинг меҳнат ресурслари юқори бўлган ҳудудларида семинарлар ўтказиш белгиланган. Шу мақсадда туман марказидан узоқда жойлашган Янгиқишлоқ, Гараша, Эгизбулоқ, Ховос, Сармич, Савот, шунингдек, Истиқлол, Пахтакор, Чаманзор қишлоқ фуқаролар йиғинлари семинарлар ўтказиш учун танланди.

Турли давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари ҳамда аҳоли иштирокида жонли мулоқот тарзида ўтказилган мазкур семинарларда халқимиз турмуш шароитини кўтариш, жойлардаги мавжуд муаммо ва камчиликларни бартараф этиш, ишбилармонлик фаолиятини ривожлантириш, оилавий бизнесни ривожлантириш хусусида батафсил маълумотлар берилди.

(Ўз мухбиримиз)

Реклама ва эълонлар

Ҳурматли юртдошлар!

ASAKA BANK

"Асака" банки (ОАЖ)

миллий ва хорижий валютадаги муддатли янги омонат турларини таклиф этади:

"ФАРОВОН ТУРМУШ" (МИЛЛИЙ ВАЛЮТАДА)

Ушбу омонатнинг сақланиш муддати 12 ой ва 18 ой бўлиб, ҳисобланган фоизлар олдиндан ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

"ИШОНЧЛИ" (АҚШ ДОЛЛАРИДА)

Ушбу омонатнинг сақланиш муддати 12 ой бўлиб, ҳисобланган фоизлар олдиндан ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

Филиаллар	Код	Телефон
Тошкент шаҳар филиали	371	120-83-13
Автотранспорт филиали	371	120-39-95
Шайхонтоҳур филиали	371	140-39-36
Юнусобод филиали	371	221-80-67
Сирғали филиали	371	258-67-49
Тошкент вилояти филиали	371	120-84-13
Андижон вилояти филиали	374	224-40-96
Асака филиали	374	233-13-69
Фарҳод филиали	374	226-97-53
Фарғона вилояти филиали	373	224-70-83
Марғилон филиали	373	237-12-37
Олтиариқ филиали	373	432-10-11
Қўқон филиали	373	552-61-04
Наманган вилояти филиали	369	226-94-75
Навоий вилояти филиали	436	223-54-32
Зарафшон филиали	436	573-18-78
Бухоро вилояти филиали	365	223-71-94
Бухоро шаҳар филиали	365	770-11-27
Самарқанд вилояти филиали	366	231-08-86
Афросиёб филиали	366	221-77-56
Қашқадарё вилояти филиали	375	221-12-93
Сурхондарё вилояти филиали	376	770-82-12
Қорақалпоғистон филиали	361	770-60-59
Хоразм вилояти филиали	362	226-97-78
Сирдарё вилояти филиали	367	225-44-03
Жиззах вилояти филиали	372	226-43-11

Ушбу омонат турини банкнинг барча филиалларида очиш мумкин. Мурожаат учун: "Асака" банки (ОАЖ) филиаллари телефонлари: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.



Сизнинг омонатларингиз:
- солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!
- маълумотлар сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!
- эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!
- миқдори чекланмаган!

Хизматлар лицензияланган.

"Асака" банки (ОАЖ) сармоянгизни сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди! Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.

Малака комиссиясининг 2013 йил 25 январдаги 1-сонли қарори ва Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг 2013 йил 21 январдаги №21-ш/т-А-сонли буйруғига асосан Тошкент шаҳридаги "CHILONZOR — HIMOYA" адвокатлар ҳайъати адвокати Ташпулатов Нодир Азатовичга 2009 йил 10 июнда берилган TN №000767 рақамли лицензиянинг ва 2010 йил 10 августда берилган 1569-сонли адвокатлик гувоҳномасининг амал қилиши ҳамда адвокатлик мақоми тугатилди.

* * *

Малака комиссиясининг 2013 йил 25 январдаги 1-сонли қарори ва Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг 2013 йил 21 январдаги №21-ш/т-А-сонли буйруғига асосан Тошкент шаҳридаги "S YAKUBOV VA ADVOKATLAR" адвокатлар ҳайъати адвокати Махмудова Хидоят Ходжиевнага 2009 йил 11 июнда берилган TN №000817 рақамли лицензиянинг ва 2009 йил 30 июнда берилган 17-сонли адвокатлик гувоҳномасининг амал қилиши ҳамда адвокатлик мақоми тугатилди.

Самарқанд вилояти адлия бошқармасининг 2013 йил 30 январдаги 22-ум-сонли буйруғига асосан Самарқанд шаҳридаги "Аман" адвокатлар ҳайъати адвокати Эшбеков Шухрат Синдаровичга нисбатан суд ҳукми қонуний кучга киргунига қадар ёхуд реабилитация қилувчи асосларга биноан уни жиноий жавобгарликдан озод этиш тўғрисида қарор қабул қилингунига қадар бўлган даврга адвокатлик мақоми тўхтатилди.

Бухоро вилояти адлия бошқармасининг 2013 йил 21 январдаги 9-ум-сонли буйруғига асосан Бухоро шаҳридаги "Адолат манзили" адвокатлик фирмаси бошқарувчи шериги Толибов Ғайбулло Иботовичга 2009 йил 21 майда берилган ВН 000049-сонли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиясининг амал қилиши ва адвокатлик мақоми 2 ой муддатга тўхтатилди.

Наманган вилояти адлия бошқармасининг 2012 йил 29 январдаги 6-ум-сонли буйруғига асосан Наманган вилояти "Адолат қўрғони" адвокатлар ҳайъати адвокати Тожиматов Абдушукур Нуриддиновича Наманган вилояти адлия бошқармаси томонидан 2012 йил 14 августда берилган NA 000160-сонли лицензиясининг амал қилиши ва адвокатлик мақоми тугатилди.

Тошкент вилояти адлия бошқармасининг 2013 йил 4 февралдаги 06-А-ум-сонли буйруғига асосан "QONUN" адвокатлик фирмаси адвокати Зуфаров Тохир Октамовичга Тошкент шаҳар адлия бошқармаси томонидан 2011 йил 21 апрелда TN 001396 рақамли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг амал қилиши тугатилди.

Адлия вазирлигининг Қонунчиликка риоя этилиши устидан назорат қилиш бош бошқармаси жамоаси бош бошқарманинг Жиззах вилояти ҳудудий бўлими бошлиғи Баҳодир Қаршиевга падари бузруквори **Сайдулла ҚАРШИЕВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ИНСОН ва ҚОНУН 1996 йилнинг январидан нашр этилади

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

www.minjust.uz

2007 йил 3 январда Ўзбекистон Матбуот ва Ахборот агентлигида 0081-рақам билан рўйхатга олинган

ISSN 2010-7897

Бош муҳаррир: Қўчқор НОРҚОБИЛ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Ражабова Мавжуда Абдуллаевна, Муҳаммаджонов Омонулла, Қўчқор Тоғаев, Зокирович, Турсунов Тўлқин Мирзаевич, Султонов Алимқул Тошбекович, Очилов Алижон Мухлисович, Раҳимбекова Дилфуза Барпибоевна

Навбатчи: Ёрбек ИСКАНДАРОВ

Саҳифаловчи-дизайнер: Тўлқин РАУПОВ

Нашр индекси: 137

«ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмда, офсет усулида «Ўзбекистон» нашриёт матбаа ижодий уйида чоп этилди.

Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси 30-уй.

Буюртма j-6403. Тиражи — 24245.

Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди — 19.00

МАНЗИЛИМИЗ: 100047, Тошкент ш. Сайилгоҳ кўчаси-5. Тел: 233-95-31, Факс: 233-84-50

Баҳоси келишилган нархда

1 2 3 4 5